ҲУСАИНОВ Идрис – 1899 йилда Қизилтепа тумани, Оқсоч қишлоғида туғилган. “Аксилинқилобчи” сифатида айбланган. 1937 йилда ЎзССР НКВД “учлиги” томонидан олий жазога ҳукм этилган. Унга тегишли мол-мулк мусодара қилинган.

ҲУСАИНОВ Содиқ – 1904 йилда туғилган. Қизилтепа тумани, Қозашурат қишлоғида туғилган. “Аксилинқилобчи” сифатида айбланган. 1937 йилда ЎзССР НКВД “учлиги” томонидан олий жазога ҳукм қилинган. Унга тегишли мол-мулк мусодара этилган.

ҲУСАИНОВ Тош – 1912 йилда Қизилтепа тумани, Майта қишлоғида туғилган. “Аксилинқилобчи” сифатида айбланган. 1937 йил 10 декабрда ЎзССР НКВД “учлиги” томонидан олий жазога ҳукм қилинган. Унга тегишли шахсий мол-мулк мусодара этилган.



“ПАХТА ИШИ” ҚУРБОНЛАРИ

А

АБДИЕВ Исақул – 1942 йилда туғилган. 1981-1983 йилларда Калинин номли колхоз раиси вазифасида ишлаган. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 149-1, 153-моддасининг 2-қисми ва 155-моддалари йиғиндиси билан ЎзССР ЖКнинг 40-моддаларига асосан, 42-модда қўлланилиб, 23-2-модда билан 3 йил муддатга шартли равишда мажбурий меҳнатга жалб қилинган. Мол-мулки мусодара этилган.

АБДИЕВ Қахрамон – 1955 йилда Хатирчи туманида туғилган. Пахта тозалаш заводига қарашли Ўзбекистон пахта пунктида 1-зона классификатори бўлиб ишлаган. Вилоят судининг 1986 йил 28 майдаги ҳукмига кўра, ЎзССР ЖКнинг 119-1, 152-2, 155, 149 ва 149-1-моддалари йиғиндиси билан айбли деб топилиб, ЖКнинг 40-моддасига асосан 12 йилга озодликдан маҳрум қилиш, мол-мулкини давлат ҳисобига мусодара қилиш ҳамда жазони ўтаб бўлганидан сўнг 5 йил муддатга муайян мансабда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

АБДУРАҲМОНОВ Бахтиёр – 1948 йилда туғилган. 1983 йилда "Зарафшон" совхозида мавсумий кассир бўлиб ишлаган. ЎзССР ЖКнинг 17-118-моддасининг 3 қисми, 17-153-моддасининг 2-қисми, 17-149-1, 155-моддалари йиғиндиси билан айбдор деб топилиб, 1 йил муддатга ахлоқ тузатиш иши жазоси берилган.

АДИЗОВ Тошниёз – 1954 йилда Хатирчи туманида туғилган. Хатирчи тумани, "Зарафшон" совхози, 4-бўлим, 3-бригадада экспедитор бўлиб ишлаган. ЎзССР ЖКнинг 17,119[1]-м,17,149[1]-м, 17,153-м 2-қ ва 155-моддалари билан айбланиб, қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

АВЕЗОВ Муртазо Норович – 1950 йилда Навбаҳор тумани, Арабсарой қишлоғида туғилган. Навбаҳор тумани, "Навоий" колхозида ишчи. Навоий вилоят прокуратураси томонидан ЎзССР ЖКнинг 118-м, 3-қ, 149-1, 154-м, 2-қ, 155-моддалари билан айбланиб, қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

АБДУРАХМОНОВ Бахтиёр – 1948 йилда Хатирчи туманида туғилган. Навоий вилояти, Хатирчи тумани, "Зарафшон" совхози, 5-бўлим, 4-бригадада пахта топширувчи. ЎзССР ЖКнинг 17, 118-м 3-қ, 17, 149[1] м,



17, 153-м 2-қ ва 155-моддалари билан айбланиб, қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

АЗИМОВ Шерназар – 1959 йилда туғилган. “СССР 60 йиллиги” совхозида бўлим бухгалтери бўлиб ишлаган. ЎзССР ЖКнинг 118-моддасининг 3-қисми, 153-моддасининг 1-қисми, 149-1, 149 ва 155-моддалари билан айбланиб, ҳар ойлик маошидан 20 фоиз ушлаш шарти билан 2 йил муддатга ахлоқ тузатиш иши жазоси берилган.

АЗИМОВ Шоди Сайфиевич – 1942 йилда Навоий тумани, Олчин қишлоғида туғилган. Навбаҳор тумани, “Бухоро” колхози, 4-бригадада колхоз агрономи. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 149, 149-1, 152-моддасининг 2-қисми, 153-моддасининг 2-қисми ва 155-моддалари билан айбланиб, қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

АЛЛАНОВ Бури Қурбонович – 1952 йилда Навоий тумани, Қизил-октябрь қишлоқ советида туғилган. Навоий тумани, “Охунбобоев” колхози, 11-бригадада бош бухгалтер. ЎзССР ЖКнинг 119-1-м, 149-м, 149-1-м, 153-м 2-қисми, 155-моддалари билан айбланиб, қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

АЗИМОВ Шоди Сайфиевич – 1942 йилда Навоий тумани, Олчин қишлоғида туғилган. “Бухоро” колхози, 4-бригада, “Қизил-октябрь” пахта тайёрлаш пунктида мудир. ЎзССР ЖКнинг 118-моддасининг 2-қисми, 17-119-1, 149, 149-1, 152-моддасининг 2-қисми ҳамда 153 ва 155-моддалари билан айбланиб, қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

АЗИЗОВ Тошниёз – 1954 йилда туғилган. “Зарафшон” совхозида вақтинчалик кассир бўлиб ишлаган. ЎзССР ЖКнинг 17-119-1, 17-153-моддасининг 2-қисми, 17-149-1, 155-моддалари йиғиндиси билан айбдор деб топилиб, 2 йил муддатга ахлоқ тузатиш иши жазосига ҳукм қилинган.

АСАДОВ Ҳикмат – 1937 йилда туғилган. Навоий пахта тозалаш заводига қарашли Хазара тайёрлов пунктида катта классификатор бўлиб ишлаган. Пора олганликда ва давлат мулкини талон-тарож қилганликда айбланиб, 1985 йил 26 декабрда ЎзССР ЖКнинг 119-1,149-1-моддаси, 152-2, 155-моддалари асосида айбдор деб топилиб, 12 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган.

АШБАРОВ Жанизак Султанбаевич – 1957 йилда Навоий тумани, Гигант қишлоғида туғилган. Навбаҳор тумани, “Гигант” совхози, 2-бўлим,



4-бригадада склад мудири ва пахта топширувчи. ЎзССР ЖКнинг 119[1], 149, 149[1], 153-м.2-қ ва 155-моддалар билан айбланиб, қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

АШБАРОВ Жонизоқ – 1957 йилда туғилган. Навбаҳор тумани, "Дружба" совхозида 1-бўлим бригада бошлиғи бўлиб ишлаган. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 153-моддасининг 2-қисми, ЎзССР ЖКнинг 42-моддаси қўлланилиб, 17-149-1, 155-моддалар йиғиндиси билан ЎзССР ЖКнинг 40-моддасига асосан 2 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишига ҳукм қилинган.

АХМЕДОВ Бахрон – 1932 йилда туғилган. Навбаҳор тумани, "Бухоро" колхозида бош бухгалтер бўлиб ишлаган. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 153-моддасининг 2-қисми ҳамда ЎзССР ЖКнинг 42-моддалари қўлланилиб, 149, 149-1 ва 155-моддалари йиғиндиси билан, ЎзССР ЖКнинг 40-моддасига асосан, ЎзССР ЖКнинг 43-моддаси қўлланилиб, 3 йил синов муддати билан жазога ҳукм қилинган.

АХМЕДОВ Бахром – 1932 йил 10 июнда Навоий туманида туғилган. Навбаҳор тумани, "Бухоро" колхозининг 5-бригадасида ёрдамчи бухгалтер. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 149, 149-1, 153-моддасининг 2-қисми, 155-моддаси билан айбланиб, қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

АХМЕДОВ Раджаббой Мухамадович – 1952 йилда туғилган. Бухоро шаҳри, тўқимачилик комбинати, Навоий тумани филиалида бошлиқ бўлиб ишлаган. ЎзССР ЖКнинг 119-1-моддаси билан мол-мулки мусодара қилиниб, 10 йилга озодликдан маҳрум этилган.

Б

БАБАЖАНОВ Атабой – 1951 йилда туғилган. Навоий тумани, 64/46-муассасасида шартли равишда жазони ўтаётган бўлган. ЎзССР ЖКнинг 119-1-моддаси билан 2 йилга, 197-моддасининг 1-қисми билан 1 йилга, ЎзССР ЖКнинг 40-моддасига асосан жами 2 йилга озодликдан маҳрум этилган.

БАХРАМОВ Хазрат – 1936 йилда Навбаҳор тумани, Арабсарой қишлоғида туғилган. Навбаҳор тумани, "Зарафшон" колхози, 4-бригадада агроном. Навоий вилоят прокуратураси томонидан ЎзССР ЖКнинг 119-1, 149, 149-1, 152-м, 2-қ, 153-м, 2-қ, 155-моддалари билан айбланиб, қамоқ жазосига ҳукм қилинган.



БАХРОМОВ Иброхим – 1952 йил 10 сентябрда Хатирчи тумани, Янги қишлоғида туғилган. Хатирчи тумани, "Чкалов" колхозида бош бухгалтер. Навоий вилоят прокуратураси томонидан ЎзССР ЖКнинг 149-1, 155, 17, 119-1, 154 м 2-қисми билан қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

БАХРОМОВ Хазрат – 1936 йилда Навбаҳор туманида туғилган. "Зарафшон" колхозида агроном. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 149-1, 155-моддалари ҳамда 40, 42-моддалари қўлланиб, 5 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

БАХРАНОВ Иброхим – 1952 йилда туғилган. 1983 йилда "Чкалов" колхозининг "Ўзбекистон" пахта пунктидаги пахта топширувчи вакили бўлиб ишлаган. ЎзССР ЖКнинг 17-119-1, 154-моддасининг 2-қисми, 17-149-1-моддалари йиғиндиси билан ЎзССР ЖКнинг 42 ва 40-моддаларига асосан 2 йил муддатга ойлик маошининг 20 фоизини давлат фойдасига унидириш шарти билан ахлоқ тузатиш жазосига ҳукм қилинган.

БЕКБАЕВ Хаким – 1937 йилда Навоий тумани, Қизил-октябр қишлоғида туғилган. "Охунбобоев" колхози, 9-бригадада ёрдамчи бухгалтер. Навоий вилоят прокуратураси томонидан ЎзССР ЖКнинг 119-1-м, 149-м, 149-1-м, 153-м 2-қисми, 155-моддаларига асосан 5 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

БЕКМИРЗАЕВ Очил – Бош экономист. ЎзССР ЖКнинг 17, 119-моддасининг 1-қисми, 155-моддалари билан айбланиб, 1986 йил 1 октябрда 2 йил синов муддатига ҳукм қилинган.

БЕКМУРАДОВ Ахтам – 1933 йилда Навбаҳор тумани, Арабхона қишлоғида туғилган. Навбаҳор тумани, "Навоий" колхозида кадрлар бўлими инспектори. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 149, 149-1, 155, 153-м, 2-қисми билан айбланиб, қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

БЕКМУРОДОВ Малик – 1928 йилда Пасдарғом ноҳиясида туғилган. 1986 йил 21 февралдаги ҳукмига кўра, ЎзССР ЖКнинг 119-1-моддаси қўлланган ҳолда, 6 йилга, 149-моддаси билан 4 йилга, 149-1-моддаси билан 3 йилга, 155-моддаси билан 2 йилга, 153-моддасининг 2-қисми билан ЎзССР ЖКнинг 42-моддасини қўллаб, 6 йилга озодликдан маҳрум этилган.

БЕКМУРАДОВ Мелс – 1940 йилда туғилган. Хатирчи тумани, "Янги-йўл" пахта пунктида мудир бўлиб ишлаган. 1986 йил 3 июлдаги



ҳукмига кўра, ЎзССР ЖКнинг 149, 149-1, 155, 152-2 ва 119-1-моддаларига асосан ЖКнинг 40-моддаси қўлланилиб, 10 йилга озодликдан маҳрум этилган.

БЕКМУРОДОВ Ғайбулло – 1947 йилда туғилган. Навои пахта тозалаш заводи қошидаги "Иджан" пахта тайёрлаш пунктида бош бухгалтер бўлиб ишлаган. ЎзССР ЖКнинг 17-119-1-моддаси билан 10 йилга, 149-моддаси билан 4 йилга, 149-1-моддаси билан 3 йилга, 155-моддаси билан 2 йилга озодликдан маҳрум этилган.

БЕРДИЕВ Орол – бўлим бошлиғи. ЎзССР ЖКнинг 119-моддасининг 1-қисми, 17, 149-моддасининг 1-қисми, 155-модаси, 153-моддасининг 2-қисми билан айбланиб, 1986 йил 17 декабрда 3 йилга мажбурий меҳнатга жалб этишга ҳукм қилинган.

БЕРДИЕВ Рахмат Турсунович – 1944 йилда Чироқчи тумани, "Ворошилов" совхози, Майлижар қишлоғида туғилган. "Ворошилов" совхози, 4-бўлимда бошқарувчи. 1986 йил 17 декабрда ЎзССР ЖКнинг 119-1 м, 149-1 м, 153-м 2-қ, 155-м ва 40-моддасига асосан 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланиб, ойлик иш ҳақининг 20 фоизи давлат фойдасига ундириш белгиланган.

БЕРДИЕВ Орол – 1940 йилда Косон туман, Талоқтепа қишлоғида туғилган. Чироқчи тумани, "Ворошилов" совхози, 4-бўлимда бош кассир. 1986 йил 17 декабрда ЎзССР ЖКнинг 119-1 м, 149-1 м, 153-м 2-қ, 155-м ва 40-моддасига асосан 3 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

БЕРДИЕВ Раҳмат – Кассир. ЎзССР ЖКнинг 119-моддасининг 1-қисми, 17, 149-моддасининг 1-қисми, 155-моддаси, 153-моддасининг 2-қисми билан айбланиб, 1986 йил 17 декабрда 3 йилга мажбурий меҳнатга жалб этишга ҳукм қилинган.

БЎРИЕВА Александра Азаревна – 1924 йил 17 ноябрда туғилган. Китоб совхоз заводининг бош бухгалтери лавозимида ишлаган. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 149, 149-1 ва 155-моддалари билан айбланиб, қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

БОЙНАЗАРОВ Майли – 1938 йилда Чироқчи туманида туғилган. Чироқчи тумани, "51-Совхоз"да бошлиқ бўлиб ишлаган. ЎзССР Ички ишлар министри тергов гуруҳи томонидан ЎзССР ЖКнинг 119-1-м 149-1-м



155-моддалари билан айбланган. 1986 йил 1 октябрдаги ҳукмига кўра, ЎзССР ЖКнинг 119-1-м 149-1-м 155-моддаси билан, 40, 42-моддалари қўлланиб, 7 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

БОЗОРОВ Турди – 1933 йилда Навбаҳор тумани, Арабсарой қишлоғида туғилган. Навбаҳор тумани, "Навоий" колхозида ишчи. ЎзССР ЖКнинг 149, 149-1, 155-моддалари билан қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

БОБОЕВ Мардон – 1937 йилда туғилган. 1981 йил январдан 1985 йил февраль ойига қадар Навоий вилояти, Хатирчи тумани, "Ленин" колхозида тарозибон вазифасида ишлаган. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 153-моддасининг 2-қисми, 149, 17-149-1 ва 155-моддалари билан қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

БОБОЕВ Умар – 1938 йилда туғилган. Навбаҳор тумани, "Дружба" совхозида 2-бўлим вакили бўлиб ишлаган. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 153-моддасининг 2-қисми ва ЎзССР ЖКнинг 42-моддаси қўлланилиб, 17-149-1, 155-моддалар йиғиндиси билан ЎзССР ЖКнинг 40 ва 44-1-моддалари билан айбдор деб топилиб, 2 йил муддатга ахлоқ тузатиш иши жазосига ҳукм қилинган.

БОБОМУРОДОВ Бобозназар – 1956 йилда туғилган. 1982 йилда "Калинин" номли колхоз пахта пункт вакили бўлиб ишлаган. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 17-149-1, 154-моддасининг 2 қисми ва 155-моддалари йиғиндиси билан ЎзССР ЖКнинг 40-моддаларига асосан, 42-модда қўлланилиб, 2 йил ахлоқ тузатиш иши жазосига ҳукм қилинган.

БОБОҚУЛОВ Исом – 1927 йилда туғилган. Партия сафидан ўчирилган. 1981-1982 йилларда Навбаҳор тумани "Ленинград" колхозида бош бухгалтер, 1983 йилда колхоз раиси бўлиб ишлаган. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 153 моддасининг 2-қисми, ЎзССР ЖКнинг 42-моддаси қўлланилиб, 149, 149-1 ва 155-моддалар йиғиндиси билан ЎзССР ЖКнинг 40-моддасига асосан, ЎзССР ЖКнинг 23-2-моддасини қўллаб, 3 йил муддатга озодликдан шартли равишда маҳрум этилиб, меҳнатга мажбуран жалб этиш жазосига ҳукм қилинган.

БОЗОРОВ Ислом Раимович – 1958 йилда Янгиариқ қишлоғида туғилган. Навоий тумани, "Ленин йўли" колхозининг 5-бригада пахта топширувчи вакили. ЎзССР ЖКнинг 118-м 3-қ, 149^{1} м, 154-м 2-қ ва 155-моддалари билан қамоқ жазосига ҳукм қилинган.



БЕРДИЕВ Хайрулло Юсупович – 1938 йилда Навоий тумани, Қизил-октябрь қишлоқ советида туғилган. Навбаҳор тумани, “Охунбобев” колхози, 15-бригадада кассир. ЎзССР ЖК 119-1-м, 149-1-м, 153-м 2-қисми, 155-моддалари билан қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

БОБОНАЗАРОВ Тошпўлот – 1950 йилда Навбаҳор тумани, Туркистон қишлоқ советида туғилган. Навбаҳор тумани, “Москва” колхози, 5-бригадада кассир лавозимида ишлаган. ЎзССР ЖКнинг119-1, 149, 149-1, 153-м 2-қ, 155-моддалари билан айбланиб, қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

БОБОҚУЛОВ Тилов – Ульянов колхозида бош бухгалтер. ЎзССР ЖКнинг 119-моддасининг 1-қисми, 149-моддаси, 149-моддасининг 1-қисми, 153-моддасининг 2-қисми, 155-моддалари билан айбланиб, 1986 йил 12 июнда 2 йил синов муддатига ҳукм қилинган.

БОЗОРОВ Назар – 1952 йилда Хатирчи тумани, Янги қишлоғида туғилган. ЎзССР ЖКнинг 118-моддасининг 3-қисми, 149, 149-1, 155-моддасининг 2-қисми билан ЎзССР ЖКнинг 40-моддасига асосан 9 йилга озодликдан маҳрум этилган.

БОБОҚУЛОВ Исом – 1927 йилда Навбаҳор туманида туғилган. “Бухоро” колхози, 6-бригадада саноат бирлашмасининг колхозлар иши бўйича бош мутахассиси вазифасида ишлаган. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 149, 149-1, 153-моддасининг 2-қисми, 155-моддалари билан қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

БОЗОРОВ Нарзулла – 1933 йилда туғилган. 1983 йилда Хатирчи пахта тозалаш заводига қарашли “Гагарин” пахта қабул қилиш пунктида 1-зона классификатори вазифасида ишлаган. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 151, 155, 153-моддасининг 2-қисми, 152-моддасининг 2-қисми ва 119-1-моддалари билан айбли деб топилиб, ЎзССР ЖКнинг 40-моддасига асосан 14 йилга озодликдан маҳрум этилган.

БОЗОРОВ Турниёз – 1947 йилда туғилган. Хатирчи тумани, “Янгийўл” пахта пунктида 2-зона классификатори бўлиб ишлаган. 1986 йил 3 июлдаги ҳукмига кўра, пахтани қўшиб ёзиш, пахтага оид ҳужжатларни қалбакилаштириш ҳамда жиноий тил бириктиришда айбланган. ЎзССР ЖКнинг 149, 149-1, 155, 152-2 ва 119-моддаларига асосан 13 йилга озодликдан маҳрум этилган.



БОЙНАЗАРОВ Мейли – “Ўзкомпартияси 50 йиллиги” совхози директори, ЎзССР ЖКнинг 119-моддасининг 1-қисми, 149-моддасининг 1-қисми, 155-моддалари билан айбланиб, 1986 йил 1 октябрда 7 йилга озодликдан маҳрум қилинган.

БОЛИЕВ Баҳром – 1953 йилда туғилган. 1981 йилда Хатирчи тумани, “Ленин” колхозида бош бухгалтер вазифасида ишлаган. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 149-1, 153-моддасининг 2-қисми, 155-моддалари билан ЎзССР ЖКнинг 40-моддасига асосан ЎзССР ЖКнинг 42-моддаси қўлланилиб, мол-мулки мусодара қилиниб, 2 йил ахлоқ тузатиш ишига ҳукм қилинган.

В

ВАЛИЕВ Бахриддин Аблакулович – 1960 йилда туғилган. Хатирчи тумани, ПМК-130да ишчи бўлиб ишлаган. 1986 йил 2 июлдаги ҳукми билан ЎзССР ЖКнинг 118-моддасининг 2-қисми, 149, 149-1, 155, 152-моддасининг 2-қисми, 40- моддасига кўра 8 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган.

ВАЛИЕВ Носил – 1931 йилда туғилган. Хатирчи пахта тозалаш заводининг 2-зона классификатори вазифасида ишлаган. ЎзССР ЖКнинг 149-1, 151, 155-моддасининг 2-қисми, 152-моддасининг 2-қисми ҳамда 119-1-моддалари билан айбли деб топилиб, ЎзССР ЖКнинг 40-моддасига асосан 12 йилга озодликдан маҳрум этилган.

Г

ГАФУРОВ Эргаш – 1941 йил 24 апрелда Навоий туманида туғилган. Навбаҳор тумани, “Бухоро” колхозининг 3-бригадасида механик ёрдамчиси. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 149-1, 154-моддасининг 2-қисми ва 155-моддалари билан қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

ГИЁСОВ Хожи – 1930 йилда туғилган. Навоий тумани, Нарпай совхозида яшаган. 3 сентябрь 1985 йил 14 йилда озодликдан маҳрум қилинган. ЎзССР Олий судининг президиумига протест назорат тартибида 1988 йил 12 апрелдаги ҳукми билан “Пахта иши”да айбланиб, қамоқ жазосига ҳукм қилинган.



Д

ДЎСТОВ Сувон – Бўлим бошлиғи. ЎзССР ЖКнинг 119-моддасининг 1-қисми, 17, 149-моддасининг 1-қисми, 155-моддаси ва 153-моддасининг 2-қисми билан айбланиб, 1986 йил 17 декабрда 2 йилга ахлоқ тузатиш ишларига тайинланиб, ойлик иш ҳақининг 20 фоизи давлат фойдасига ундириш белгиланган.

Ё

ЁДГОРОВ Турсун – 1943 йилда Навбаҳор тумани, Туркистон қишлоқ советида туғилган. Навбаҳор тумани, "Москва" колхозида пахта пункти вакили лавозимида ишлаган. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 149, 149-1, 153-м 2-қ, 155-моддалари билан озодликдан маҳрум қилинган. 1986 йил 4 июндаги ҳукмига кўра ЎзССР ЖКнинг 119-1, 149, 17-149-1-моддалари билан ЖКнинг 40 ва 42-моддалари қўлланилиб, 7 йилга озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинган.

ЁДГОРОВ Мумин – "Ворошилов" совхози директори. ЎзССР ЖКнинг 119-моддасининг 1-қисми, 149-моддаси, 149-моддасининг 1-қисми, 153-моддасининг 2-қисми ва 155-моддалари билан айбланиб, 1988 йил 14 февралда 2 йилга ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган.

Ж

ЖЎРАЕВ Тошмурод – 1946 йилда туғилган. Навоий пахта тозалаш заводида директор бўлиб ишлаган. Мансабини суистеъмол қилишликда айбланиб, 1986 йил 8 майда қамоққа олинган. ЎзССР Олий судининг президиумига протест назорат тартибида 1988 йил 12 апрелдаги ҳукми билан ЎзССР ЖКнинг 119-1 моддаси ва 152-моддасининг 2-қисми ва 42-моддани қўллаб, мол-мулкини мусодара қилинган ҳолда 8 йил муддатга; 153-моддасининг 2-қисми билан 7-йил муддатга; 119-моддасининг 3-қисми билан 6 йилга ҳамда 154-моддасининг 2-қисмига асосан мол-мулкини мусодара қилиниб, 8 йилга озодликдан маҳрум этилган.

ЖАЛИЛОВ Ислом Рустамович – 1958 йилда туғилган. "Зарафшон" совхози, 3-бўлимда омбор мудири бўлиб ишлаган. ЎзССР ЖКнинг 17-118-моддасининг 3-қисми, 17-153-моддасининг 2-қисми, 17-149-1 ва



155-моддалари йиғиндиси билан айбдор деб топилиб, ЎзССР ЖКнинг 40 ва 42-моддаларига кўра 1 йил муддатга ахлоқ тузатиш иши жазоси берилган.

ЖУМАЕВ Шойиқул – 1942 йилда туғилган. Навоий шаҳрида яшаган. 1985 йил 14 ноябрда қамоққа олинган. ЎзССР Олий судининг президиумига протест назорат тартибида суднинг 1988 йил 12 апрелдаги ҳукми билан "Пахта иши"да айбланган. ЎзССР ЖКнинг 119-1-моддаси, 40-42-моддалари, 152-моддасининг 2-қисми, 153-моддасининг 2-қисми, 149-модда, 149-1-моддаси ва 155-моддалари билан 8 йилга озодликдан маҳрум қилинган.

ЖУРАЕВ Мустафакул Очилович – 1940 йилда Навбаҳор тумани, "Свердлов" колхозида туғилган. Навбаҳор тумани, "Свердлов" колхози, 7-бригада, "Қизил-октябрь" пахта тайёрлаш пунктида мудир бўлиб ишлаган. ЎзССР ЖКнинг 17-1, 119-1, 118-моддасининг 3-қисми, 149, 149-1 ва 155-моддалари билан озодликдан маҳрум қилинган.

ЖАББОРОВ Эшмурод Тошевич – 1938 йилда Навбаҳор тумани, Отчопар қишлоғида туғилган. Навбаҳор тумани, "Навоий" колхозининг раиси. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 149, 149-1, 155 ва 153-м 2-қисми билан айбланиб, қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

ЖЎРАЕВ Раҳим – 1936 йилда туғилган. Навоий вилояти, "Зарафшон" совхозида 5-бўлим бошлиғи бўлиб ишлаган. ЎзССР ЖКнинг 17-119-1, 17-153-моддасининг 2-қисми, 17-149-1 ва 155-моддалари йиғиндиси билан айбдор деб топилиб, 2 йил муддатга ахлоқ тузатиш иши жазоси берилган.

ЖУМАЕВ Ботир Эшмуродович – 1946 йил Навбаҳор тумани, Туркистон қишлоқ советида туғилган. "Москва" колхозида бош бухгалтер лавозимида ишлаган. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 149, 149-1, 153-м 2-қ ва 155-моддаларига асосан озодликдан маҳрум қилинган.

ЖЎРАЕВ Эргаш – 1938 йилда туғилган. 1981-1983 йилларда "Калинин" колхозида кассир бўлиб ишлаган. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 17-149-1, 153-моддасининг 2-қисми ва 155-моддалари йиғиндиси билан ЎзССР ЖКнинг 40-моддасига асосан 42-моддаси қўлланилиб, 23-2-модда билан 2 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишига ҳукм қилинган.

ЖЎРАҚУЛОВ Алиқул – 1941 йилда Хатирчи тумани, Туркман қишлоғида туғилган. 1986 йил 27 январдаги №97-сонли жиноят иши бўйича



чиқарган ҳукми ҳамда 1986 йил 18-21 июль кунлари бўлиб ўтган Ўзбекистон ССР Олий Суди жиноят ишлари бўйича судлов коллегиясининг №03-528-к сонли ажримига кўра ЎзССР ЖКнинг 119-1, 119-21, 151, 152-22, 153-2 ва 40-моддаларига асосан қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

И

ИСМАИЛОВ Рахматилла – 1933 йилда Хатирчи тумани томонидан ЎзССР ЖКнинг 119-1, 149, 149-1, 153-моддасининг 2-қисми ва 155-моддалари билан айбланиб, 4 йилга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

ИБРАГИМОВ Якубали Гуламович – 1946 йил 3 майда Навоий тумани, Қизил-октябрь қишлоқ советида туғилган. “Свердлов” колхозида пахта топширувчи. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 154-моддасининг 2-қисми, 149-1 ва 155-моддалари билан қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

ИБРАГИМОВ Мели – 1928 йил 10 майда Хатирчи тумани, Охунбобоев қишлоғида туғилган. Хатирчи пахта тозалаш заводига қарашли “Коммунизм” пахта пунктида 1-зона классификатори. ЎзССР прокуратураси томонидан ЎзССР ЖКнинг 149-моддаси, 155-моддаси, 149-1-моддаси ва 119-1-моддалари билан қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

ИБРАГИМОВ Заёдилла – 1955 йилда Хатирчи туманида туғилган. ЎзССР ЖКнинг 149, 155, 149-1, 152-моддасининг 2-қисми ва 119-1-моддалари билан айбли деб топилиб, ЎзССР ЖКнинг 40-моддасига асосан 10 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган.

ИБРАГИМОВ Ёкуб – 1946 йилда туғилган. “Свердлов” колхозида пахта топширувчи вакил бўлиб ишлаган. ЎзССР ЖКнинг 17-119-1, 154 моддасининг 2-қисми ва ЎзССР ЖКнинг 42-моддалари қўлланилиб, 155-моддалари йиғиндиси билан ЎзССР ЖКнинг 40-моддасига асосан ЎзССР ЖКнинг 23-2-моддаси қўлланилиб, 1 йил 6 ойга озодликдан шартли равишда маҳкум этилиб, меҳнатга мажбуран жалб этилган.

ИГАМОВ Исроил – 1925 йил 3 майда Навоий тумани, Коммунизм қишлоғида туғилган. Навоий вилояти, Навоий тумани, “Коммунизм” колхозида бош бухгалтер. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 149, 149-1-моддалари, 153-моддасининг 2-қисми ва 155-моддалари билан қамоқ жазосига ҳукм қилинган.



ИНОЯТОВ Суннат – 1954 йилда туғилган. Хатирчи тумани, “К.Маркс” колхозида пахта топширувчи бўлиб ишлаган. ЎзССР ЖКнинг 17-119-1, 17-149-1, 154-моддасининг 2-қисми ҳамда 155-моддалари билан ЎзССР ЖКнинг 42 ва 40-моддаларига асосан 2 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган.

ИРГАШЕВ Равшан Тиловкабирович – 1938 йилда туғилган. Навбаҳор тумани, “Дружба” совхозида 1-бўлим агрономи бўлиб ишлаган. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 153-моддасининг 2-қисми ва ЎзССР ЖКнинг 42-моддаси қўлланилиб, 17-149-1, 155-моддалари йиғиндиси билан айбланиб, ЎзССР ЖКнинг 40-моддасига асосан 2 йил муддатга ахлоқ тузатиш иши берилиб, ойлик иш ҳақидан 20 фоизи давлат фойдасига ундирилган.

ИШОНҚУЛОВ Тўра – “Коммуна” колхозининг бошқарув раиси. ЎзССР ЖКнинг 119-моддасининг 1-қисми, 149-моддасининг 1-қисми, 153-моддасининг 2-қисми ва 155-моддаси билан айбланган. 1986 йил 1 октябрдаги ҳукми билан 6 йилга озодликдан маҳрум қилинган.

К

КАРИМОВ Суюнқул – 1950 йилда туғилган. 1986 йил 21 февралдаги ҳукмига кўра ЎзССР ЖКнинг 119-1-моддаси билан ЎзССР ЖКнинг 42-моддаси билан 7 йилга, 149-моддаси билан 4 йилга, 149-1-моддаси билан 3 йилга, 155-моддаси билан 2 йилга ва 153-моддасининг 2-қисми билан 4 йилга озодликдан маҳрум этилган.

КЕНЖАЕВ Яндош Эргашович – 1948 йилда туғилган. Навбаҳор тумани, “Калинин” пахта пунктида ишчи. ЎзССР ЖКнинг 17, 149-1, 149, 149-1-моддалари, 152-моддасининг 2-қисми, 119-1 ва 155-моддалари билан қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

КАРИМОВ Облокул Журакулович – 1938 йилда Навбаҳор тумани, Арабсарой қишлоғида туғилган. Навбаҳор тумани, Навоий колхозида ишчи. Навоий вилояти прокуратураси томонидан ЎзССР ЖКнинг 119-1, 155 ва 153-моддасининг 2-қисми билан озодликдан маҳрум қилинган.

КАРИМОВ Хожи – 1952 йилда Навоий тумани, Гигант қишлоғида туғилган. Навбаҳор тумани, “Гигант” совхози, 1-бўлим, 6-бригада, “Дружба”



совхозида 3-бўлимда пахта топширувчи вакил бўлиб ишлаган. ЎзССР ЖКнинг 119, 149, 153-моддасининг 2-қисми ва 155-модда билан озодликдан маҳрум қилинган.

Л

ЛУҚМОНОВ Асқар – кассир. ЎзССР ЖКнинг 119-моддасининг 1-қисми, 149-моддасининг 1-қисми, 153-моддасининг 2-қисми ва 155-моддаси билан айбланиб, 1986 йил 3 йилга мажбурий меҳнатга жалб этишга ҳукм қилинган.

М

МАРДОНОВ Даврон – 1934 йил Нарпай қишлоғида туғилган. Навбаҳор туманига қарашли "Дружба" совхозининг директори. ЎзССР ЖК 119[1], 149, 149[1], 153-м.2-қ ва 155-моддалари билан озодликдан маҳрум қилинган.

МАЖИДОВ Собир Шодмонович – 1945 йилда Хатирчи тумани, "Маркс" колхозида туғилган. Хатирчи тумани, "Маркс" колхозида бош бухгалтер лавозимида ишлаган. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 149, 149-1 ва 155-моддалари билан айбланиб, озодликдан маҳрум қилинган.

МАННОНОВ Шариф – 1935 йилда Навоий тумани, Янгиариқ қишлоғида туғилган. Навоий тумани, "Ленин йўли" колхозининг бошқарув раиси. ЎзССР ЖКнинг 119[1], 149, 149[1], 153-м. 2-қ ва 155-моддалари билан қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

МУРТАЗАЕВ Мардон – 1922 йилда туғилган. "СССР 60 йиллиги" совхозида пахта топширувчи вакил бўлиб ишлаган. ЎзССР ЖКнинг 118-моддасининг 3-қисми, 154-моддасининг 1-қисми, 149-1 ва 155-моддалари билан айбланган. ЎзССР ЖКнинг 42 ва 40-моддаларига асосан 3 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган.

МУРТАЗАЕВ Ширинбой – 1948 йилда туғилган. Хатирчи тумани, "Янгийўл" пахта пунктида 3-зона классификатори бўлиб ишлаган. 1986 йил 3 июлдаги ҳукмига кўра пахтани қўшиб ёзиш, пахтага оид ҳужжатларни қалбакилаштириш, пора олиш ва пора бериш ҳамда жиноий тил бириктиришда айбланган. ЎзССР ЖКнинг 149, 149-1, 155, 152-2 ва



119-моддаларига асосан ЖКнинг 40-моддаси қўлланилиб, 10 йилга озодликдан маҳрум этилган.

МУХАММАДИЕВ Аҳмад – 1952 йилда туғилган. 1981-83 йилларда "Оқ олтин" пахта тайёрлаш пунктида катта классификатор вазифасида ишлаган. ЎзССР ЖКнинг 119-1-моддаси билан шу кодекснинг 42-моддасини қўллаб, ўзига тегишли мол-мулкни мусодара қилиш билан 9 йилга, 152-моддасининг 2-қисми билан 8 йилга, 149-1-моддаси билан 3 йилга, 153-моддасининг 2-қисми билан 7 йилга ва 155-моддаси билан 2 йилга озодликдан маҳрум этилган.

МУҲАММАДИЕВ Боймирза – "Ўзкомпартияси 50 йиллиги" совхозининг бўлим бошлиғи. 1986 йил 1 октябрда ЎзССР ЖКнинг 119-моддасининг 1-қисми, 17, 149-моддасининг 1-қисми, 17, 153-моддасининг 2-қисми ва 155-моддаси билан айбланиб, 3 йилга озодликдан маҳрум қилинган.

МЕЛИЕВ Мурод – 1941 йилда Пасдарғом ноҳиясида туғилган. 1986 йил 21 февралдаги ҳукмига кўра ЎзССР ЖКнинг 119-1-моддаси билан ЎзССР ЖКнинг 42-моддасига асосан 6 йилга, 149-моддасига асосан 4 йилга, 155-моддасига асосан 2 йилга ва ЎзССР ЖКнинг 153-моддасининг 2-қисми билан 6 йилга озодликдан маҳрум этилган.

МЎМИНОВ Кулмамат – "24-партия съезди" колхозида кассир. ЎзССР ЖКнинг 119-моддасининг 1-қисми, 149-моддаси, 149-моддасининг 1-қисми, 153-моддасининг 2-қисми ва 155-моддаси билан айбланиб, 1986 йил 22 мартдаги ҳукми билан ЖКнинг 42-моддасини қўллаб, 2 йилга ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган.

Н

НАБИЕВ Тўхтамурод – 1938 йилда туғилган. 1982 йилда "Калинин" колхози, "Оқ олтин" пахта пунктида пахта топширувчи вакил бўлиб ишлаган. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 17-149-1, 154-моддасининг 2-қисми ва 155-моддаси йиғиндиси билан ЎзССР ЖКнинг 40-моддаларига асосан 42-модда қўлланилиб, 2 йилга ахлоқ тузатиш ишига ҳукм қилинган.

НАЗАРОВ Алиқул – 1957 йилда туғилган. Хатирчи тумани, "Янги йўл" пахта пунктида 3-зона классификатори бўлиб ишлаган. 1986 йил



3 июлдаги ҳукмига кўра пахтани қўшиб ёзиш, пахтага оид ҳужжатларни қалбакилаштириш, пора олиш ва пора бериш ҳамда жиноий тил бириктиришда айбланиб, ЎзССР ЖКнинг 149, 149-1, 155, 152-2 ва 119-1-моддаларига асосан ЖКнинг 40-моддаси қўлланилиб, 10 йилга озодликдан маҳрум этилган.

НАРКУЛОВ Ишман – 1940 йилда Чироқчи тумани, Майличар қишлоғида туғилган. "Кукдали" совхозида боғдорчилик аграноми. 1986 йил 17 декабрдаги ҳукми билан ЎзССР ЖКнинг 119-1 моддаси, 149-1-моддаси, 153-моддасининг 2-қисми, 155-моддаси ва 40-моддасига асосан 4 йилга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

НУРИЛЛАЕВ Неъматилло – 1951 йилда Навоий тумани, Гигант қишлоғида туғилган. Навбаҳор тумани, "Гигант" совхози, 2-бўлим, 2-бригада, Навбаҳор тумани, "Дружба" совхозида склад мудири ва пахта топширувчи вакил бўлиб ишлаган. Навоий вилоят прокуратураси томонидан ЎзССР ЖКнинг 119^1, 149, 149^1-моддалари, 153-моддасининг 2-қисми ва 155-моддаси билан айбланиб, озодликдан маҳрум қилинган.

НУРМУРОДОВ Уктам – 1949 йил 14 ноябрда Навоий туманида туғилган. Навбаҳор тумани, "Бухоро" колхози, 6-бригадада ҳисобчи. Навоий вилояти прокуратураси томонидан ЎзССР ЖКнинг 119-1, 149-1, 153-моддасининг 2-қисми ва 155-моддаси билан айбланиб, озодликдан маҳрум қилинган.

НУРНАЗАРОВ Исмоил Мустафаевич – Навоий тумани, Қизил-октябрь қишлоқ советида туғилган. "Свердлов" колхози, 6-бригадада бош бухгалтер. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 149-1, 149-моддалари, 153-моддасининг 2-қисми ва 155-моддаси билан айбланиб, озодликдан маҳрум қилинган.

НАЗАРОВ Гаппар – 1936 йилда 15 мартда Навоий тумани, Қизил-октябрь қишлоқ советида туғилган. Навбаҳор тумани, "Свердлов" колхози, 5-бригадада кассир. ЎзССР ЖКнинг 119-1-моддаси, 153-моддасининг 2-қисми ва 155-моддаси билан айбланиб, озодликдан маҳрум қилинган.

НУРБОЕВ Хотам Тураевич – 1943 йилда Навоий вилояти, Навбаҳор тумани, "Свердлов" колхозида туғилган. "Свердлов" колхози, 5-бригадада тракторчи. Навоий вилоят прокуратураси томонидан ЎзССР ЖКнинг 119-1, 149, 149-1-моддалари, 152-моддасининг 2-қисми, 153-моддасининг



2-қисми ва 155-моддаси билан айбланиб, озодликдан маҳрум қилинган.

НОРБОЕВ Мурод – Колхозда пахта топширувчи. ЎзССР ЖКнинг 119-моддасининг 1-қисми, 149-моддасининг 1-қисми, 153-моддасининг 2-қисми ва 155-моддаси билан айбланиб, 1986 йил 1 октябрда 3 йил мажбурий меҳнатга жалб этиш жазосига ҳукм қилинган.

НОРБЎТАЕВ Аҳмад – 1940 йилда туғилган. 1982-1983 йилларда Навоий вилояти, "Коммунизм" пахта пунктида 2-зона классификатори бўлиб ишлаган. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 149-1, 152-моддасининг 2-қисми, 153-моддасининг 2-қисми, 155 ва 210-моддасининг 3-қисми йиғиндиси билан ЎзССР ЖКнинг 40-моддасига асосан ЎзССР ЖКнинг 42-моддаси қўлланилиб, мол-мулки мусодара этилган ҳолда 7 йилга озодликдан маҳрум этилган.

НОРҚУЛОВ Гадой – Агроном. ЎзССР ЖКнинг 17, 119-моддасининг 1-қисми ва 155-моддаси билан айбланиб, 1986 йил 1 октябрдаги ҳукми билан ЖКнинг 42 ва 43-моддаларини қўллаб, 2 йил синов муддатига ҳукм қилинган.

НУРМАМАТОВ Эгамберди – 1942 йилда туғилган. 1981-1983 йилларда "Чкалов" колхозида бош бухгалтер бўлиб ишлаган. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 153-моддасининг 2-қисми, 149-1 ва 155-моддалари йиғиндиси билан ЎзССР ЖКнинг 42 ва 40-моддаларига асосан 3 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган.

НУРМУРАТОВ Ўктам – 1949 йилда туғилган. Навбаҳор тумани, "Бухоро" колхозида кассир бўлиб ишлаган. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 153-моддасининг 2-қисми ва ЎзССР ЖКнинг 42-моддаси қўлланилиб, 149-1 ва 155-моддалари йиғиндиси билан ЎзССР ЖКнинг 40-моддасига асосан ЎзССР ЖКнинг 43-моддаси қўлланган ҳолда 3 йил шартли равишда синов муддати берилган. 3 йил муддатга моддий жавобгарлик билан боғлиқ бўлган ишда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этилган.

НУРНАЗАРОВ Исмоил Мустаевич – 1952 йилда туғилган. Партия сафидан ўчирилган. "Свердлов" колхозида бош бухгалтер бўлиб ишлаган. ЎзССР ЖКнинг 119-1 ва 153-моддасининг 2-қисми билан ЎзССР ЖКнинг 42-моддаси қўлланилиб, 149, 149-1 ва 155-моддалари йиғиндиси



билан ЎзССР ЖКнинг 40-моддасига асосан ЎзССР ЖКнинг 23-2-моддаси қўлланган ҳолда 2 йил 6 ойга озодликдан шартли равишда маҳрум этилиб, меҳнатга мажбуран жалб қилинган.

НУРОВ Рустам Буранович – 1953 йил Навоий туманида туғилган. Навоий пахта тозалаш заводига қарашли Янгиқўрғон пахта тайёрлаш пунктида бош бухгалтер. Навоий вилоят прокуратураси томонидан 1986 йил 14 мартда ЎзССР ЖКнинг 17, 119-1, 149-1, 17-моддалари, 152-моддасининг 2-қисми ва 155-моддаси билан айбланиб, 12 йилга озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинган.

О

ОДИЛОВ Сайфулло – 1951 йилда Хатирчи тумани, Охунбобоев қишлоқ совети, "Коммунизм" колхози, Тортувли қишлоғида туғилган. Хатирчи туманига қарашли "СССР 60 йиллиги" совхозида бош ҳисобчи. ЎзССР ЖКнинг 149-моддаси, 153-моддасининг 2-қисми, 155-моддаси, 149^1-моддаси ва 119^1-моддаси билан айбланиб, қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

ОЙДИНОВ Нурилла – 1942 йилда туғилган. Хатирчи пахта тозалаш заводига қарашли "Гагарин" пахта қабул қилиш пунктида бош бухгалтер бўлиб ишлаган. ЎзССР ЖКнинг 149-1, 149-1, 155 ва 17-119-1-моддалари билан айбланиб, ЎзССР ЖКнинг 40-моддасига асосан 42-модда қўлланилиб, 5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган.

ОМОНТАЕВ Хўжақул – 1936 йилда туғилган. 1981-1983 йилларда Хатирчи тумани, "Чкалов" колхозида кассир бўлиб ишлаган. ЎзССР ЖКнинг 17-119-1, 153-моддасининг 2-қисми ва 17-149-1-моддаси билан айбланиб, ЎзССР ЖКнинг 42 ва 40-моддаларига асосан 2 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган. ЎзССР ЖКнинг 23-2-моддаси билан қамоқ жазоси шартли равишда мажбурий меҳнатга алмаштирилган.

ОТАМУРОДОВ Ботир – 1924 йилда Пасдарғом ноҳиясида туғилган. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси. 1986 йил 21 февралдаги ҳукмига кўра ЎзССР ЖКнинг 119-1-моддаси билан ЎзССР ЖКнинг 42-моддасига асосан 6 йилга, 149-моддасига асосан 4 йилга, 149-1-моддаси билан 3 йилга, 155-моддаси билан 2 йилга ва 153-моддаси билан ЎзССР ЖКнинг 42-моддасини қўллаб, 5 йилга озодликдан маҳрум этилган.



П

ПАРМОНОВ Карим – 1930 йилда туғилган. “Коммунизм” пахта пунктида мудир вазифасида ишлаган. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 149-1-моддалари, 154-моддасининг 1-қисми ва 155-моддалар йиғиндиси билан ЎзССР ЖКнинг 40-моддасига асосан ЎзССР ЖКнинг 42-моддаси қўлланилиб, 3 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган. ЎзССР ЖКнинг 23-2-моддасига асосан шартли равишда мажбурий меҳнатга жалб қилинган.

ПРИМОВ Хусниддин – 1951 йилда Хатирчи тумани, Янгиобод қишлоқ советида туғилган. Хатирчи тумани пахта заводида агроном бўлиб ишлаган. 1986 йил 27 январдаги №97-сонли жиноят иши бўйича чиқарган ҳукми ва 1986 йил 18-21 июль кунлари бўлиб ўтган Ўзбекистон ССР Олий Суди жиноят ишлари бўйича судлов коллегиясининг №03-528-сонли ажримига кўра ЎзССР ЖКнинг 149-1, 151, 155-2, 119 ва 40-моддаларига асосан қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

ПУЛАТОВ Ҳамро – 1933 йилда Навоий тумани, “Ленин” колхозида туғилган. Колхозда участка бошлиғи. 1987 йил 25 февралдаги ҳукмига кўра ЎзССР ЖКнинг 119-1, 149-1, 153-моддасининг 2-қисми, 155, 149-моддасининг 2-қисми билан ЖКнинг 40-моддаси тартибида 3 йил мажбурий меҳнатга жалб этиш жазосига ҳукм қилинган.

ПЎЛАТОВ Эсон Мусирманович – 1949 йилда туғилган. 1986 йил 21 февралдаги ҳукмига кўра ЎзССР ЖКнинг 149-моддаси билан 3 йилга озодликдан маҳрум этилган.

ПЎЛАТОВ Аҳад – 1939 йил 15 июнда Хатирчи тумани, Ленин қишлоғида туғилган. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 149-1, 152-моддасининг 2-қисми ва 155-моддаси билан ЎЗССР ЖКнинг 40-моддасини қўллаб, 10 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган. Жазони кучайтирилган режимли колонияларда ўташ белгиланган.

Р

РАВШАНОВ Раҳмон – 1932 йилда Чироқчи тумани, Калкама қишлоғида туғилган. “Китоб” совхоз-заводида бригадир лавозимида ишлаган. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 149, 149-1 ва 155-моддалари билан айбланиб, озодликдан маҳрум қилинган.



РАХМОНОВ Акрам Умарович – 1940 йилда 12 февралда Китоб тумани, Русс қишлоғида туғилган. Китоб тумани, агросаноат бирлашмасида инспектор бўлиб ишлаган. ЎзССР ЖКнинг 119, 149, 149-1 ва 155-моддалари билан айбланиб, озодликдан маҳрум қилинган.

РАХМОНОВ Сайфулла Сидикович – 1961 йилда Навоий тумани, Қизил-октябрь қишлоғида туғилган. Навбаҳор тумани, "Свердлов" колхози, 3-бригада, Қизил-октябрь пахта тайёрлаш пунктида 3-зона классификатори бўлиб ишлаган. ЎзССР ЖКнинг 17, 119-1, 149, 149-1 ва 155-моддалари билан айбланиб, озодликдан маҳрум қилинган.

РАХМАТУЛЛАЕВ Файзулло Рахимович – 1947 йилда Навбаҳор туманида туғилган. Навбаҳор тумани, Олчин қишлоқ Совети, "Мингработ" колхозида ишчи бўлиб ишлаган. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 149, 149-1-моддалари, 153-моддасининг 2-қисми ва 155-моддаси билан айбланиб, озодликдан маҳрум қилинган.

РАВШАНОВ Хасан – 1934 йил 20 декабрда Хатирчи туманида туғилган. "Ленин" колхози, 12-бригадада ва "Зарафшон" совхозида бош бухгалтер. ЎзССР ЖКнинг 119^1-, 149-, 149^1-моддалари, 153-моддасининг 2-қисми ва 155-моддаси билан айбланиб, озодликдан маҳрум қилинган.

РАХМОНОВ Ахтам Ниёзович – 1935 йил Навоий тумани, Янгиариқ қишлоғида туғилган. Навоий тумани, "Коммунизм" колхози, 4-бригада, "Ленин йўли" колхозида бошқарув раиси. ЎзССР ЖКнинг 118-м 3-қ, 119^1, 149, 149^1-моддалари, 153-моддасининг 2-қисми ва 155-моддаси билан айбланиб, озодликдан маҳрум қилинган.

РАХМАТУЛЛАЕВ Файзулла Райимович – 1947 йилда Навбаҳор тумани, "Ленинград" колхозида туғилган. Колхознинг 4-бригадасида бухгалтер. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 149, 149-1-моддалари, 152-моддасининг 2-қисми, 153-моддасининг 2-қисми ва 155-моддаси билан айбланиб, озодликдан маҳрум қилинган.

РАВШАНОВ Самат – "Ўзкомпартияси 50 йиллиги" совхозида кассир. ЎзССР ЖКнинг 119-моддасининг 1-қисми, 149-моддасининг 1-қисми ва 155-моддаси билан айбланиб, 1986 йил 1 октябрда 6 йилга озодликдан маҳрум қилинган.

РАҲИМОВ Жўрақул – 1957 йилда Хатирчи тумани, "Москва" колхозида туғилган. ЎзССР ЖКнинг 119-моддасининг 3-қисми, 149, 149/2, 152-



м 2-қисми ва 155-моддалари билан ЎзССР ЖКнинг 40-моддасига асосан 9 йилга озодликдан маҳрум қилинган. Жазони кучайтирилган режимли колонияларда ўташ белгиланган. Мол-мулки мусодара этилган. 3 йилга мансабдор ишларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинган.

РАХИМОВ Зокир – 1961 йилда Хатирчи туманида туғилган. ЎзССР ЖКнинг 149, 155, 17-149-1-моддалари, 210-моддасининг 3-қисми ва 17-119-1-моддаси билан айбли деб топилиб, ЎзССР ЖКнинг 42-моддасига асосан 5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган.

РАВШАНОВ Самад – 1933 йилда Чироқчи туманида туғилган. Араббанди қишлоғи, "Ўзкомпартия 50 йиллиги" совхозида ветеранария техниги. ЎзССР Ички ишлар министрлиги тергов гуруҳи томонидан ЎзССР ЖКнинг 119-1, 149, 149-1-моддалари, 153-моддасининг 2-қисми ва 155-моддаси билан айбланган ҳамда 1986 йил 1 октябрдаги ҳукмига кўра ЎзССР ЖКнинг 119-1, 17, 149-1, 155-моддалари билан 40 ва 42-моддалари қўлланиб, 6 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинган.

РАҲМОНОВ Жўрақул – 1934 йилда туғилган. Хатирчи тумани, "Ленин" колхозининг бошқарувчи раиси вазифасида ишлаган. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 153-моддасининг 2-қисми, 149-1 ва 155-моддалари йиғиндиси билан ЎзССР ЖКнинг 40-моддасига асосан ЎзССР ЖКнинг 42-моддаси қўлланган ҳолда мол-мулки мусодара қилинган. 2 йил ахлоқ тузатиш иши жазосига ҳукм қилинган ҳамда мансабдорлик вазифаларида ишлаш ҳуқуқидан 3 йил муддатга маҳрум қилинган.

РАЗОКОВ Самад – 1938 йилда Қизил-октябрь қишлоқ советида туғилган. Навбаҳор тумани, "Ленин" колхозида диспетчер. ЎзССР ЖКнинг 119-1-моддаси, 153-моддасининг 2-қисми ва 155-моддаси билан айбланиб, озодликдан маҳрум қилинган.

РАСУЛОВ БАХРИДДИН – 1936 йилда Навоий туманида туғилган. Навоий пахта тозалаш заводига қарашли Янги қўрғон пахта тайёрлаш пунктида 1-зона классификатори. ЎзССР ЖКнинг 17, 119^{-1}, 149, 149^{1} ва 155-моддалари билан айбланган. 1986 йил 14 мартдаги ҳукми билан ЎзССР ЖКнинг 17, 119-1, 149-1, 17, 152-моддасининг 2-қисми, 155-моддаси ва 40-моддасига асосан 10 йилга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.



РАЖАБОВ Саид – 1945 йилда Когон туманида туғилган. Навоий тумани, “Ленин йўли” колхозида пахта топширувчи вакил. Ўзбекистон республикаси прокуратураси томонидан ЎзССР ЖКнинг 119[1], 149[1]-моддалари, 154-моддасининг 2-қисми ва 155-моддаси билан озодликдан маҳрум қилинган.

РАХИМОВ Абдумумин Рахматович – 1937 йил 19 декабрда Навоий туманида туғилган. Нурота тумани, “Меҳнатобод” совхозида бош инженер. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 149, 149-1-моддалари, 153-моддасининг 2-қисми ва 155-моддаси билан айбланиб, озодликдан маҳрум қилинган.

РАХМОНОВ Носир Эшпулатович – 1949 йилда туғилган. 1981-82 йилларда Хатирчи тумани, “Оқ-олтин” пахта тайёрлаш пунктида 2-зона классификатори бўлиб ишлаган. ЎзССР ЖКнинг 119-моддаси ва 152-моддасининг 2-қисми билан ЎзССР ЖКнинг 42-моддаси қўлланилиб, 5 йилга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

РЎЗИҚУЛОВ Эшмурод – 1944 йил Хатирчи тумани, “Маркс” колхозида туғилган. Хатирчи пахта заводи қошидаги пахта тайёрлаш пунктида пахта топширувчи вакил бўлиб ишлаган. ЎзССР ЖКнинг 17, 119-1, 17,149-1-моддалари, 154-моддасининг 2-қисми ва 155-моддалари билан айбланиб, озодликдан маҳрум қилинган.

Рўзиев Хушвақт – 1944 йилда Навбаҳор тумани, Туркистон қишлоқ советида туғилган. Навбаҳор тумани, “Москва” колхозида яшаган. Навбаҳор тумани, “Москва” колхозида бош экономист лавозимида ишлаган. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 149, 149-1-моддалари, 153-моддасининг 2-қисми ва 155-моддаси билан айбланиб, озодликдан маҳрум қилинган.

РУСТАМОВ Алижон Аманжонович – 1949 йилда туғилган. Ғалаба тумани, “Солдатское” пахта пунктда катта классификатор бўлиб ишлаган. 1986 йил 31 октябрдаги ҳукми билан ЎзССР ЖКнинг 119-1, 17-моддалари, 152-моддасининг 2-қисми, 149, 17, 149-1 ва 155-моддалари йиғиндиси билан ЎзССР ЖКнинг 42-моддасини қўллаган ҳолда 8 йил муддатга озодликдан маҳрум этилган.

С

САФАРОВ Рахмат – 1935 йилда Навоий тумани, “Москва” колхозида туғилган. Навбаҳор тумани, “Қизил-октябрь” пахта тайёрлаш пунктида



катта классификатор лавозимида ишлаган. ЎзССР ЖКнинг ЖКнинг 119-1, 149, 149-1-моддалари, 152-моддасининг 2-қисми, 153-моддасининг 2-қисми ва 155-моддаси билан айбланиб, озодликдан маҳрум қилинган.

САФАРОВ Облоқул – 1939 йилда Навоий тумани, Гигант қишлоқ советида туғилган. Навбаҳор тумани, “Охунбобоев” колхози, 2-бригадада ревизия комиссияси раиси. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 149, 149-1-моддалари, 153-моддасининг 2-қисми ва 155-моддалари билан айбланиб, озодликдан маҳрум қилинган.

САИДОВ Собир Очилович – 1939 йилда Навоий тумани, Қизил-октябрь қишлоқ советида туғилган. Навбаҳор тумани, ”Охунбобоев” колхози, 9-бригадада агроном. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 149, 149-1-моддалари, 153-моддасининг 2-қисми ва 155-моддалари билан айбланиб, озодликдан маҳрум қилинган.

САЙФУЛЛАЕВ Мамат – 1925 йил 2 июлда Навоий тумани, “Коммунизм” колхозида туғилган. “Коммунизм” колхозида пахта топширувчи вакил. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 149, 149-1-моддалари, 153-моддасининг 2-қисми ва 155-моддаси билан айбланиб, озодликдан маҳрум қилинган.

САДАНОВ Али Бобоевич – 1928 йилда туғилган. 1981 йил апрелдан Навоий вилояти, Хатирчи пахта тозалаш заводида директор вазифасида ишлаган. ЎзССР ЖКнинг 149-1, 149, 210-3-моддалари, 152-моддасининг 2-қисми ва 119-1-моддаси билан айбли деб топилиб, ЎзССР ЖКнинг 40-моддасига асосан олий жазога ҳукм қилинган.

САДИНОВ Ашур – “Ўзкомпартияси 50 йиллиги” совхозининг пахта топширувчи вакили. ЎзССР ЖКнинг 119-моддасининг 1-қисми, 17, 149-моддасининг 1-қисми, 153-моддасининг 2 қисми ва 155-моддаси билан айбланиб, 1986 йил 1 октябрда 6 йилга озодликдан маҳрум қилинган.

СУЯРОВ Назар – 1928 йилда Нурота тумани, Самари қишлоғида туғилган. Навбаҳор тумани, “Москва” колхозида бошқарув раиси. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 149, 149-1-моддалари, 153-моддасининг 2-қисми ва 155-моддаси билан айбланиб, озодликдан маҳрум қилинган.

САИДНАЗАРОВ Нормурод – 1942 йилда туғилган. 1983 йилда Хатирчи пахта тозалаш заводи қошидаги пунктда 3-зона классификатори



бўлиб ишлаган. ЎзССР ЖКнинг 149-1, 155-моддалари, 152-моддасининг 2-қисми ва 17-119-1-моддаси билан айбли деб топилиб, ЎзССР ЖКнинг 40 ва 42-моддаларига асосан 8 йилга озодликдан маҳрум этилган.

СУЮНОВ Олим – 1921 йилда Навоий тумани, Қизил-октябрь қишлоғида туғилган. Навбаҳор тумани, "Свердлов" колхози, 12-бригада, Навбаҳор тумани, "Дружба" совхозида омбор мудири ва пахта топширувчи вакил. ЎзССР ЖКнинг 119^1, 149, 149^1-моддалари, 153-моддасининг 2-қисми ва 155-моддаси билан айбланиб, озодликдан маҳрум қилинган.

САМАНДАРОВ Хазрат – 1946 йилда Конимех тумани, "Гигант" совхозида туғилган. Навбаҳор "Гигант" совхози, 1-бўлим, 2-бригада, "Дружба" совхозида 3-бўлим, 2-бригада бошлиғи, 1982–1983 йилларда 3-бўлимнинг пахта топширувчи вакили. ЎзССР ЖКнинг 119^1, 149, 149^1-моддалари, 153-моддасининг 2-қисми ва 155-моддалари билан айбланиб, озодликдан маҳрум қилинган.

САЛИМОВ Норбой – Ульянов колхозида бошқарув раиси. ЎзССР ЖК 119-моддасининг 1-қисми, 149-моддаси, 149-моддасининг 1-қисми, 153-моддасининг 2-қисми ва 155-моддаси билан айбланиб, 1986 йил 12 июндаги ҳукми билан ЖКнинг 42-23-моддасининг 2-қисмини қўллаб, 3 йилга мажбурий меҳнатга жалб этишга ҳукм қилинган.

САТАЕВ Холмурад – 1954 йил 15 февралда Хатирчи тумани, Боғчакалон қишлоқ совети, "Зарафшон" совхозида туғилган. Хатирчи туманига қарашли "СССР 60 йиллиги" совхозида 1-бўлим бошлиғи. Навоий вилоят суди томонидан 1988 йил 15 августда ЎзССР ЖКнинг 119-1, 149-1-моддалари, 153-моддасининг 2-қисми ва 155-моддасига асосан 2 йил иш ҳақининг 20 фоизи давлат ҳисобига ўтказиш белгиланиб, 5 йил муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланган.

